

## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 835-ҳадис

835/1719 - عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كُنَّا لَا نَأْكُلُ مِنْ لُحُومِ بُدْنِنَا فَتَوَقَّ

ثَلَاثَ مِئَاتٍ، فَرَحَّصَ لَنَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «كُلُوا وَتَزَوَّدُوا»، فَأَكَلْنَا وَتَزَوَّدْنَا.

835.1719. Ибн Журайждан ривоят қилинади:

«Ато бизга деди: «Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумонинг «Минонинг уч куни ўтганидан кейин баданаларимизнинг гўштидан емас эдик. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга рухсат бериб: **«Енглар ва ғамлаб ҳам олинглар»**, дедилар. Шундан кейин биз едик ва ғамлаб ҳам олдик», деяётганини эшитдим».

Мен Атога: «То Мадинага келгунимизча, деганмиди?» дедим. У: «Йўқ», деди».

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI